



TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИКУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ АВТОБЕНЗИН МАҲСУЛОТЛАРИ
БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ НАРХЛАРИ КЕСКИН ОШИШИНING
ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан яқиний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулотли

учун, истисно тариқасида, акциз солиғини "ноль" ставкада қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 апрелга қадар Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқону-

ний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга руҳсат берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-торожликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг 2021 йил 17 мартдаги "Юқори ликвидли ва монополь товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5031-сон қарори 1-бандининг "в" кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.Т.Мирзамасҳудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

Кун мавзуси

“ЯШИЛ
ЭНЕРГИЯ”га

ўтиш вақти келди(ми?)

Ёхуд қуёш электр
станциялари хонадонларда
энергия харажати
70 фоизга қисқартиради

Ҳеч кимга сир эмас айти вақтда мамлакатимизда электр энергиясига талаб юқори. Сўнгги йилларда бу талаб янада ўс-моқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда 10 миллиард долларлик электр ва газ истеъмол қилинар экан. Бугунги кунда 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаб ҳам бор. Келгуси 5 йилда эса бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт соатга ошиши кутилмоқда.



3

ИМКОНИЯТ, ҲАРАКАТ, НАТИЖА
паррандачилик ривожининг муҳим омили

Қишлоқ хўжалигида паррандачилик етакчи тармоқлардан бири саналади. Халқимиз тили билан айтганда, парранда – етти хазинанинг бири. Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатларида бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, айнан паррандачилик аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашнинг асосий тармоғидир.

Қарор ва ижро



Мамлакатимизда ҳам паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида соҳада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг "Паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида соҳада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

ривожлантириш ва тармоқда озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда паррандачилик йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган билан аҳамиятлидир.

2

Хонадондаги хазина



Халқимиз азалдан ҳар қарич ернинг қадрига етиб, ундан райқ-насиба кундирган. Шу боис, томорқани хазинадек эъзозлайди. Зеро, қундалик эҳтиёжга зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти айнан шу бир парча ерда ундирилади. Шундай экан, ким ўз томорқасида яхши меҳнат қилса, фақат ютади.

СОВУҚ КУНЛАРНИНГ "ИССИҚ" ДАРОМАДИ

маҳалласидаги томорқаларнинг бугунги ҳолатини ўргандик. Дастлаб "Ғалаба" кўчасидаги Зияевлар хонадонига кирдик. – Томорқамиз кўп йиллардан бери оиламизнинг асосий даромад манбаига айланган, – дейди хонадон бекаси Мунисхон Зияева. – Иссиқхона қурганимизга 10 йилдан ошди. Ўғлим томчилатиб сугориш тизимини ўрнатган. Авваллари салат барги ва турли қўқатлар етишти-рар эдик. Бу йил тажриба сифатида қулпнай ва руқопла экиб кўрдик. Натижа ёмон эмас. Айти пайтда қулпнайга ранг кирган.



2

Бу борада янгийўлликлардан ўрганидиган жиҳатлар кўп. Давлатимиз раҳбари ҳам вилоятимизга ташрифи чоғида Янгийўлда томорқадан йилига 3-4 марта ҳосил олинишини алоҳида эътироф этиб, уларнинг тажрибасини вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам оммалаштириш ҳақида гапирган эди.

Гуруҳимиз билан туманнинг "Ғалаба"

КЎМИР ТАЪМИНОТИ:
эҳтиёж юқори,
захира етарлими?

"Кўмир таъминот" масъулияти чекланган жамияти филиаллари томонидан вилоятнинг газлаштирилмаган ҳудудларида яшовчи аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларига 7 та омбордан кўмир тарқатилмоқда.



2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумида 70 минг тоннага яқин маҳаллий кўмир ёқилғиси етказиб бериш режа қилинган, шундан кўмирга эҳтиёжи бор 186 та маҳалла 55 минг тоннадан зиёд кўмир билан таъминланди.

Шу кеча-қундузда аҳолининг энергия ресурсларига талаби ҳар қачонгидан ҳам ортган. Электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммолар сабаб юртдошларимизнинг суюлтирилган газ ва кўмирга эҳтиёжи кўпайган.

Шу мақсадда, газ босими пасайиб кетган ҳудудлар, хусусан, Бекобод шаҳри, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Оҳангарон, Пискент, Тошкент, Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларига режадан ташқари 450 тонна кўмир етказиб берилди.

"Тошкент ҳақиқати"
ЙўқловиМеҳрибон
устоз,
содиқ
дўст

Меҳрибон устоз, комил инсон, содиқ дўст Тўғон Эрнараров билан дастлабки учрашувимиздан буён 55 йил ўтибди. Устоз ҳаёт бўлганида шу кунларда 100 ёшини нишонлаган бўларди...

3

ВИЛОЯТ
БЎЙЛАБ


ҚИБРАЙ туманидаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар, нурунийлар, маҳалла фаолларидан 2 мингга яқини ҳомийлар ташаббуси билан юртимизнинг кўҳна ва қадимий шаҳарларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳат қилдилар.



Об-ҳавонинг кескин совиб кетиши муносабати билан ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани маҳаллаларига босқичма-босқич су-юлтирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда.



ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани маданият бўлимида овоз ёзиш студияси фаолият бошлади. Студияда иқтидорли ёш ижодкорларнинг ютуқлари тарғиб қилинади.



ЯНГИЙЎЛ шаҳар деҳқон бозоридида аҳолини зарур қундалик озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида арзонлаштирилган савдо ярмаркаси ташкил этилди. Тадбиркорлар билан нархларнинг асосий оширилишини йўл қўймаслик ҳақида суҳбат ўтказилди.



ЗАНГИОТА тумани 4-сектор раҳбариятининг ташаббуси билан сектор тасарруфидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 34 та хонадон эгалари ҳолидан хабар олиниб, оила эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.





КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Бу сезиларли натижа бериб, касалланганлар умумий сони 2 мингтага камайдди. Янги касалланиш ҳолати 10 фоизга, ўлим ҳолати 17 фоизга қискарди.

Лекин сўнгги йилларда коронавирус эпидемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоизга ошган.

Худудларда туберкулёз бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлса-да, бу хизматлар фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тўлиқ йўлга қўйилган.

Одам иммунитетини танқислиги вирус билан касалланиш ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида долзарб.

Шу боис, йиғилишда мазкур икки соҳадаги навбатдаги чора-тадбирлар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз келгуси йилдан бошлаб "Ўпка саломатлиги" мобил бригадаларини ташкил этиб, чекка ҳудудларда болаларни скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича топшириқ берди.

Туберкулёз инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикасини, яширин

инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимларига ҳудудлардаги фтизиатрия сыхатгоҳларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, бактериология лабораторияларини ташкил этиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига туберкулёз билан касалланган беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга давлат бюджетидан 40 миллиард сўм ажратилади.

ОИВ инфекцияси бўйича ҳам текширувни кенгайтириб, 3 миллион аҳолини қамраб олиш чоралари белгиланди. Бундай беморлар ҳам 22 турдаги вирусга қарши дорилар билан бепул таъминланади.

Худудий ОИТС маркази ва туманлараро лабораторияларни таъмирлаш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга масъуллар бириктирилди.

Тиббиётнинг бирламчи бўлини ходимларини ОИВ инфекцияси бўйича малакасини ошириш, аҳоли ўртасида касаллик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, буларнинг барчасини инобатга олиб, фтизиатрия, пульмонология ва ОИТС йўналишларида дастурий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ҲОКИМ ҲУЖЖАТГА ИМЗО ЧЕКДИ

Бекобод шаҳрининг "Жомий", "Бунёдкор" маҳаллаларида нималар ўзгаради?

Вилоят ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар Бекобод шаҳрининг "Жомий", "Бунёдкор" маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилган, муаммо ва масалаларни ўрганган эди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳудуд анклава ҳисобланади ва унга қўшни Тожикистон орқали борилади.

Кун тартиби

...Бекобод шаҳри "Фарҳод" чегара ўтказиш пунктидан Тошкент вилояти ҳокими бошчилигидаги гуруҳ йўлга чиқди.

Йўл-йўлакай ilk манзил "Жомий" маҳалласи ҳудудидаги зиёратгоҳ бўлди. Бу ердаги "Кўҳна Гулбоғ" қабристонини 100 йилдан зиёд тарихга эга бўлиб, маҳалла аҳлининг кутлуғ зиёратгоҳига айланган. Қабристонда аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди, Қуръон тиловат қилинди.

Шу куни "Бунёдкор" маҳалласи би-

носи, шу ерда жойлашган врачлик пунктидаги шарт-шароитлар кўздан кечирилди. Аҳоли билан мулоқот ўтказилди.

Вилоят раҳбари билан учрашувда маҳалла аҳли билдирган тақдир ва муурожаатлар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, шунингдек, чегараолди ҳудудда яшовчиларнинг Бекобод шаҳрига ўтиш ва қайтишини соддалаштириш тартиби хусусида бўлди.

Ўтказилган сайёр қабул аяқлари бўйича Зойир Мирзаев тегишли ҳуж-



жатга имзо қўйди. Унга кўра, қисқа вақтларда "Бунёдкор" ва "Жомий" маҳаллаларида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

— Чегараorti маҳаллаларда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Бекобод шаҳрига ўтишлари учун соддалаштирилган тартиб жорий этилади;

— Маҳалла аҳолиси чегарадан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб ўтишда божхона тўловларини енгил-

лаштириш бўйича иш олиб борилади;

— Маҳаллаларда "Саломатлик йўли" ташкил этилади;

— Энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, юқори кучлинишли трансформатор ўрнатилади;

— Тиббиёт пунктида ишлаш учун олий маълумотли шифокор бириктирилади ва унинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш мақсадида ҳокимлик томонидан қўшимча рағбатлантириб борилади;

— Чегараorti мактабда кадрлар етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида, ишлаш истагида бўлган ўқитувчилар қўшимча моддий рағбатлантирилади;

— Халқ депутатлари вилоят Кенга- шининг тавсияси асосида "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали ахтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати

СОВУҚ КУНЛАРНИНГ "ИССИҚ" ДАРОМАДИ




зим, — дейди маҳалла раиси Абдумалик Исоқов. — Кафтек ерда рўзгор учун керакли маҳсулотлар пишиб турса, ортганини бозорга олиб чиқса, чўнтакка фойда-ку. Шунинг аҳолига синдириш мақсадида мунтазам тушунтиришлар, суҳбатлар олиб борамиз. Керак бўлса, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан амалий ёрдам кўрсатяпмиз. Маҳалламизда ишсизлар деярли йўқ.

Ёшларнинг аксарияти ўқийди. Ҳам-корликдаги ишларимиз яхши самара берапти.

Бир кунлик сафаримиз мазмунли ўтди. Ҳалабаллик аҳолининг томорқачиликдаги изланишлари таҳсинга сазовор.

Дарвоқе, оқсоқолнинг айтишича, маҳалладаги кўплаб хонадонларда касаначилик ҳам яхши йўлга қўйилган экан. Маҳалла аҳлининг бу борадаги тажрибаси бошқа мақоламизга мавзу бўлади.

Нозима АРСЛОНОВА
Суҳробжон САДИРОВ
олган суратлар



Томорқанинг ичига разм солдик. Атрофлари бегона ўтлардан тозаланган, саранжом-саришта. Яшил барглар орасидан қизарган қулупнайлар "мўра-лаб" турибди. Руқола ҳам униб чиқиб, атрофни яшилликка буркаган. Ҳосилга барака тилаб, қўшни хонадон томон йўл олдик.

Бу ердаги манзарадан кайфиятимиз янада кўтарилди. Хонадондаги 8 сотихли иссиқхонада хона гуллари парваришланар экан.

— Болалигимдан гуллар парвариши билан шуғулланаман, — дейди хонадон соҳиби Асқар Файзуллаев. — Айни пайтда 100 турдан ортиқ гуллар бор. Ҳатто, Таиланд ва Хитой мамлакатларидан ноёб гулларнинг уруғини келтирганмиз. Уларни шароитга мослаштирдик. Албатта, бу ишлар осон бўлмади. Айниқса, қишда кўчатларни совуқдан сақлаш, парваришлаш

анча меҳнат талаб қилади. Аммо, меҳнатнинг таги роҳат, деганларидек даромадимиз яхши. Харидорлар гулларни уйдан олиб кетишади. Гул дўконларига тарқатамиз. Ҳатто, еримиз торлик қилиб, қўшни хонадоннинг томорқасидан ҳам жой олдик.

Иссиқхонанинг ичидаги ҳарорат мўътадил эди, лекин атрофда ҳеч қандай иситиш қувурларини кўрмадик. Хонадон эгасининг айтишича, иситиш тизими ер остидан ўрнатилган экан. Бу усул иссиқхона ҳароратини бирдек сақлайди. Негаки, гуллар илик ҳароратни ёқтираркан.

Маҳалланинг бошқа хонадонларидаги иссиқхоналарда ҳам турли экинлар барваж ўсмоқда.

— Барча томорқаларда икки-уч марта экин экиш, қўшимча даромад қилиш биринчи даражали вазифа бўлиши ло-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ИМКОНИЯТ, ҲАРАКАТ, НАТИЖА паррандачилик ривожининг муҳим омили



Вилоятимизнинг Бўстонлик туманида фаолият юритаётган "Inter agro broiler breeders" масъулияти чекланган жамияти берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб иш юритаётган хўжаликлардан.

— Паррандачилик сердаромад соҳа, — дейди корхона раҳбари Рустам Саидов. — Хўжалигимиз асосан наслили она

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

товуқ ва инкубацион тухум етиштириш билан шуғулланади. Тухумларни Венгрия давлатидан келтирганмиз. Биз Россия, Украина ва Испания мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Маҳсулотимизнинг 40-50 фоизини Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон ва Саудия Арабистони давлатларига экспорт қиламиз. Бунда авиаташув хизматидан фойдаланамиз.

Бу борада Президентимиз қароридан кўрсатилган тухум, парранда гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳамда соя донини импорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига транспорт ташув харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидия тақдим этилиши анча енгиллик берди. Ҳатто, қарор бўйича реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси

учун 50 сўм, парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1000 сўм миқдорда субсидия оламиз. Шундай имкониятлар яратиб берилганидан кейин биздан фақат яхши ишлаш қолди.

Корхонанинг 24 та цехида тухумдан очиб чиққан жўжалар 90 кунгача парвариш қилинади. Ундан сўнг корхонанинг Ўрта Чирчиқ туманидаги филиалига юборилади. У ерда жўжа-

лар 425 кунгача боқилади. Цехлар барчаси автоматик тарзда бошқариладиган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, жараён монитор орқали кузатиб борилади. Ўрнатилган ускуналар жўжаларга озуқа ва сувни ўзи беради. Ҳаво ҳарорати ва айланмасини назорат қилиб, бошқариб туради. Ҳар битта цех учун мутахассис бириктирилган бўлиб, у ҳар куни жўжаларнинг ўсиши, вазни ва соғломлигини назорат қилиб боради.

Бугунги кунда паррандачилик тармоғининг асосий муаммоси — озуқа-ем базасининг етарли эмаслиги, шунингдек, аксарият озуқаларнинг импорт ҳисобига олиб келиниши билан изоҳланмоқда. Рустам аканинг айтишича, яратилган имтиёзлар сабаб асосий озуқа базаси ҳисобланган соя шротини импорт қилиш енгиллашган. Келгусида корхонанинг ўзида ем заводи қуриш режалаштирилмоқда. Сабаби, озуқа учун

керакли бўлган баъзи маҳсулотлар импорт қилиниб, еш ишлаб чиқариш корхоналарига берилаётгани ҳисобига емнинг таннархи арзонроқ тушаётган бўлсада, уни келтириш учун транспорт харажатлари катта. Агар хўжаликнинг ўзида ем заводи қурилса, маблағ тежалади ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилади.

Корхонада паррандаларнинг касалликларга чидамли зот ва турларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, насли тухум инкубациясини йўлга қўйиш ҳамда парранда зотларини синовдан ўтказиш, аҳолида парранда боқиш ва органик маҳсулотлар етиштириш кўникмаларини шакллантириш бўйича ҳам ишлар йўлга қўйилган.

Вилоятимизда мавжуд наслилик мақомидаги паррандачилик хўжаликларидан паррандаларнинг 22 зоти урчи-

тилиб, наслилик ва селекция ишлари амалга оширилмоқда, назорат ҳам қилинмоқда. Бундан ташқари, уларнинг зотини такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида хорижий давлатлардан 797 минг 361 бош бир кунлик наслили жўжа, 2 млн. 642 минг 280 донна наслили тухум олиб келиниб, белгиланган тартибда давлат реестрига киритилди ва рўйхатга олинishi таъминланди. Натижада, йилга паррандаларнинг 3-5 фоизининг зоти яхшиланишига эришилмоқда.

Мухтасар айтганда, паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар келгусида аҳолининг парҳез гўшт ва тухум маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Нозима РАСУЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Жалолддин ЭСОНОВ
олган суратлар

